

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

403 Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-2*

(2011 йил 6 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 4 мартдаги 2009-18-сон буйруғи билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1919, 2009 йил 9 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 126-модда) 11-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар томонлари (томони)нинг хоҳиш-истакларини тасдиқловчи шартнома ёки бошқа ҳужжатнинг барча нусхаларига рўйхатга олувчи ёки рўйхатга олувчи филиалининг қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака гувоҳномасига эга бўлган ваколатли ходими, рўйхатга олувчи ёки рўйхатга олувчи филиалининг қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш санаси ва жойи тўғрисида қайд этадиган рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) штамп босмасини қўйиб чиқади, қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри бўйича тартиб рақамини кўрсатади ва рўйхатга олувчининг асосий муҳри ёки рўйхатга олувчи филиалининг муҳри билан тасдиқланадиган имзосини қўяди».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

403, 405-моддалар

— 14 —

39 (487)-сон

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

Бош директор в.в.б.

А. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 28 август,
2011-15-сон